



МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИ МТТГА МОСЛАШИШ ЖАРАЁНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

¹Базарбаева Гулсанем

НДПИ Мактабгача таълим йуналиши

2-курс магистранти,

²Тлеумбетова К.Д.

НДПИ, Мактабгача таълим кафедраси

Доценти, илмий раҳбар.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7363843>

ARTICLE INFO

Received: 15th November 2022

Accepted: 24th November 2022

Online: 25th November 2022

KEY WORDS

Психологик таълим, таълим методологик ёндашув, бола тарбияси, тарбиячи, бола тараққиёти, психологик-педагогик фаолият.

ABSTRACT

«Бола тараққиётини психологик таълим қилиш» чуқур ва жиддий иш натижасидир. Ушбу мақолада Мактабгача ёшдаги болаларни МТТга мослашиш жараёнини психологик хусусиятлари хақида суз юритилиб, психологиянинг ёрқин намоёндалари Л.С. Виготский, С.Л. Рубинштейн, Л. И. Божовичлар томонидан ишлаб чиқилган методологик ёндашувга, шунингдек, К.Роджерс, А.Маслоуларнинг инсонпарварлик психология тамойилларига ва В.Франклиннинг экзистенциал психологиясига асосланган.

Бизнинг ўқув-услугий қўлланма психолог олимларнинг ғоялари асосида тузилган бўлиб, қуйидаги ҳолатларда намоён бўлади: бола тарбияси учун масъулиятни ўз зиммасига олган ва бу вазиятда ўзини салоҳиятли деб ҳисоблаган катта одам болалар билан муносабатда ёш болаларнинг мустақил фикрлаш, ўқиш ва қарор қабул қилиш қобилиятига тўла ишонади. У болани қандай бўлса, шундайлигича баҳолайди ва уларни, шубҳасиз ишонч, ҳурмат ва қўллаб-қувватлашга лойиқ деб қабул қилади. Шу маънода Шарқ уйғониш даврининг IX-XII асрларида Суқрот, Афлотун ва Арастуларнинг Гундишапун мактабида, Хоразмдаги Маъмур Академияси деворлари ортида жаранглаган педагогик ғояларидан келиб чиққан халқимизнинг маънавий

ҳаёт ҳодисаларига мурожаат этиш самаралидир. Абу Али ибн Сино «Тиб қонунлари»да ёзишича: «Тарбиячининг диққати боланинг характерини яхшилашга, бу характерга тааллуқли йўналишга, болага қаттиқ ғазаб, қўрқув, муносабатдаги оғир табиатлилик бегона бўлишига, бола нимани хоҳлаши ва нимага интилиши кўришиб туришига ва уни олдида унга ёқмайдиган нарсани қилмасликка қаратилиши зарур. Бунинг ёрдамида икки ёқлама фойдага эришилади: бири — болада унинг илк болалик давридани оқ кучли характер шаклланади; иккинчиси — бундай ривожланиш болани жисмоний ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Ахир ғазаб кучли кўзғатувчи бўлиб, оғир табиатлилик ҳолдан тойдиради, дангасалик эса ҳаётини



кучларни қисқартиради. Демак, ҳам ахлоқий, ҳам жисмоний соғломликтарбияга боғлиқдир». Бола тарбиясини яхшилаш учун уни салбий эмоциялардан сақлаш, бу эмоцияларга унинг ҳаётий кучи, маънавияти ва ишдаги муваффақиятлари боғлиқ, бўлиши ҳақидаги бу фикрлар психологик-педагогик фаолият учун кўрсатма бўлиб қолмасдан, маълум маънода бизнинг ўқув-услугий қўлланма учун ҳам методологик асос бўлиб хизмат қилади. Унинг мазмуни бола шахсиятидаги асаб тизимининг психик ҳолати, билиш имкониятлари, одамлар билан ўзаро муносабатдаги ўзига хослик, қадриятлардаги йўл-йўриқлар ва мотивацион эҳтиёжлар хусусиятлари каби ижобий ўзгаришлар биринчи навбатда, бола тарбияси учун масъулиятни ўз зиммасига олган катта одамнинг шахси билан белгиланади. Кўп сонли тадқиқотлар ва меҳнатимиз натижалари — шуни исботладик, болаларнинг билиш имкониятлари, уларнинг ҳаётий фаолиятининг умумий муваффақиятларига конструктив асаб-психик ҳолат ва эмоционал хотир-Боланинг мактабга тайёрлиги унинг жисмоний ва руҳий ривожланиши, саломатлиги, ақлий ва шахсий ривожланиши билан аниқланади, яъни бунда бутун омиллар мажмуаси ахамиятга эга бўлади. Л. И. Божович томонидан психология боланинг морфологик, функционал ва руҳий ривожланиш даражасини аниқловчи «мактаб етуклиги» тушунчаси киритилган бўлиб, унга кўра тизимли ўқитиш талаблари ҳаддан зиёд бўлмаган ҳолда боланинг соғлигига зарар етказмайди, шунингдек, мактабга мослашмасликка олиб келмайди. Паст

савиядаги функционал тайёргарлик — мактабдаги ноетуклик, яъни миёдаги маълум тузилмалар етилиш даражасининг, асаб — руҳий функцияларнинг мактабдаги ўқитиш вазибаларига мос келмаслиги бунинг руҳий сабаблари бўлиши мумкин. Мактабга етилмаганлик нозик моторика, «кўз — қўл» йўналиши, фаолият намунасига тақлид қилиш, ҳулқ ва бошқа функцияларнинг паст савияда ривожланганлигида намоён бўлади. Кичик мактаб ёшида мактабга мослашмаслик қўйиладиган талабларни бажаришда қийинчиликларга дуч келиш, паст ўзлаштириш, турли кўринишдаги интизом-сизликларда намоён бўлади. Эркин муҳитнинг етарлича ривожланмаганлиги мактабга мослашмасликнинг хусусий сабаби бўлиб хизмат қилади (аввало катталарнинг кўрсатмаларини эшита олмаслик ва аниқбажара олмаслик, қоидаларга мос равишда ҳаракат қила олмаслик, эркин эътибор ва эркин хотиранинг ривож-ланмаганлиги). Ўқишдаги кўпгина қийинчиликларга, интизомсизликларга, синф-да ва уйда мустақил ишлай билмасликка шу каби камчилик сабаб бўлади. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда мактабгача ёшдаги фикрлаш турларининг шаклланмаганлиги, фонетик эшитиш, нутқининг етарлича ривожланмаганлиги, ҳамда ўқитувчининг сўзларини аниқтушунмаслиги мактабга мослаша олмасликнинг сабаблари бўлиши мумкин.

Боланинг ўқишга тайёрлигини аниқлаш қуйидаги асосий омилларни баҳолаш билан боғлиқ:

1. психофизиологик;



2. ўқув фаолияти ва унинг таркибий қисми:

- сенсомотор соҳанинг шаклланганлиги;
- когнитив жараёнларнинг шаклланганлиги;
- билиш мотивациясининг мавжудлиги.

3. ўз фаолиятини бошқара олиш тизимининг шаклланганлиги;

4. ижтимоий, ҳам тенгдошлари, ҳам катталар билан ўзаро муносабатларни ўрната олиш талаби ва қобилияти сифатида;

5. ижтимоийлашув, бола шахси имкониятларининг жамият талабларига мос келиши ва қабул қилиши.

Мактабда ўқишга руҳий тайёрлик ҳақида гапирилганда, психофизиологик тайёрлик биринчи ўринга чиқади. Гап боланинг соғлиғи ҳақида кетяпти. Анемия, гипо ёки гипер фаоллик, миянинг органик дисфункцияси, сурункали уйқуга тўймаслик, соматик касалликлар ва бошқалар муваффақиятли ўқитиш ҳамда тарбиялашга ҳалақит беради. Чунки бундай бола мактаб вазифаларини жисмонан уддалай олмайди.

Ўқув фаолиятига келсак, бу ерда гап сенсомотор соҳанинг ривожланганлиги, яъни қўлнинг нозик ишлаши (моторикаси), кўриш ҳаракат координацияси (кўз — қўл) ҳақида боради. Бола ўқитувчинининг доскадаги фаолиятини кузатгани-да, дарсликдаги вазифаларни бажараётганида уларни ўз дафтарида аниқтакрорлай олиши керак. Ана шу функция (кўз-қўл) дарслик билан мустақил ишлаш асосини ташкил этади. Когнитив жараёнлар: ҳис этиш,

қабул қилиш, эътибор, хотира, фикрлаш каби билиш фаолиятини таъминловчи жараёнлар шакллантирилган бўлиши керак. Билиш мотивацияси ўқишга қизиқишнинг шаклланганлиги ва ўқувчи бўлишга интилишдан иборат бўлади. Ўқиш мотивацияси билиш фаолият-ти мавжуд бўлганида шакллантирилади, бироқбунда юқорида кўрсатилган омил-ларга риоя қилиниши ва катталар томонидан ўқувчига муваффақиятга эришиш учун шароитлар яратилган бўлиши керак.

Ўз фаолиятини бошқариш тизимининг шаклланганлиги нафақат намунани тушуниб олиш ва ўқув вазифасини қабул қилишдан, балки болани ўраб турган ижти-мой муҳит талабларига мос келадиган фаолият турларини мустақил қўйиш, режалаштириш ва амалга ошира билишдан иборат бўлади. Ижтимоий омил ҳам тенгдошлари, ҳам катталар билан ўзаро муносабатларни ўрната олишни кўзда тутаяди. Мактаб — аввало, янги ижтимоий муҳит бўлганлиги сабабли, боланинг ўқувчи ва жамият аъзоси сифатида муваффақияти унинг мактаб шароитига мослаша олиши ва бошқалар билан ўзаро муносабатга киришиб кетишига боғлиқ бўлади. Мослашиш деганда нафақат юзага келган ҳолатга мослашиш механизмлари, балки боланинг мустақил муносабатларини ўрната олиши ҳамтушунилади.

Ижтимоийлашувни берилган мазмунда жамиятнинг талаблари ва боланинг имкониятларини туташуви деб қараш мумкин. Ижтимоий талаблар шахснинг ҳулқ-атворини белгиловчи мутлақ омил ҳисобланади. Улар боланинг билими ва кўникмаларига талаблар ва чеклашлар қўяди. Шундай қилиб, мактаб ҳаёти —



болани ижтимоийлашувининг янги боқичи бўлиб, унга бола ҳаёт фаолиятининг субъекти сифатида тайёр бўлиши керак. Ижти мойлашув, шу жумладан, ижтимоий меъёрларни билиш, тушуниш ва қабул қи-лишни ҳамда ўзини шу меъёрларга бўйсундира олишни кўзда тутати. Бизнинг мактабгача ёшдаги болаларда бошлаган лонгитюд тадқиқотларимиз тажрибаси ўқишга тайёрлик масалаларини ечишда таклиф этаётган методикаларимизнинг самарадорлигини ва юқори амалий аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди.

Биз Керн-Йирасекнинг машҳур методикасини, А.Л. Венгернинг график диктантини, «Уй, дарахт, одам» (УДО) ва «Оила расми» (расми методикалар «Бола тараққиётини психологикташхис қилиш» мажмуасида берилган алоҳида «Болалар проектив расми»да келтирилган) методикаларини таклиф этамиз.

Айтиб ўтилган методикаларнинг афзалликларига қуйидагиларни ҳам киритиш керак:

1. Бу методикаларнинг натижалари боланинг руҳий ривожланиши ҳақида тўлиқ маълумот бериб, шунингдек ўқишга руҳий тайёрлигининг асосий психологик кўрсаткичларини намоён этади:

- асаб-руҳий ҳолат;
- интеллектуал соҳасининг ривожланиш хусусиятлари;
- мотивация-истеъмоли соҳасининг ривожланиши;

Текширув жараёнида мактабгача ёшдаги болада нутқнинг ривожланганлик даражасини баҳолаш имконини берувчи ташхисий интервью олинади.

Ушбу методикалартакроран қўлланилганида бола рўҳий ҳолатининг динамикасини кўрсатади.

Тест топшириқлари мураккаб эмас. Улар мактабгача ва кичик мактаб ёшидаги болалар учун тушунарли. Боланинг эмоционал ҳолати унинг учун янги шароитда беқарор бўлиши мўмкинлиги сабабли бу омилни албатта ҳисобга олиш керак.

Учта методикадан ҳам индивидуал, ҳам гуруҳ бўлиб тест ўтказишда фойдаланиш мумкин.

Таклиф этилаётган тестлар «қоғоз ва қалам» гуруҳига мансуб бўлганлиги сабабли, тест ўтказишга тайёргарлик кўриш алоҳида ёки махсус материалларниталаб этмайди.

Индивидуал ташхис қўйишда тест ўтказиш 30-40 минут вақт олади. Болаларни гуруҳ бўлиб текширишда (7 та боладан ошмаслиги керак) одатда 30-40 минутдан икки марта ўтказилади.

Тестларни ташхиснинг «қоидали ўйин» шаклида ҳам ўтказиш мўмкин. Кейинги пайтларда Керн-Йирасек методикаси ҳамда А.Л. Венгернинг график

диктанти баъзи психологлар томонидан эскирган деб қаралапти. Аслида бундай эмас, замонавий ишланмаларда таклиф этилаётган методикаларнинг кўпчилиги мумтоз вариантнинг турли хил соддалаштирилган ёки мураккаблаштирилган модификацияси ҳисобланади. Текшириш дастури боланинг мактабга тайёрлиги ҳақида хулоса чиқариш учун зарур ва етарли таркибга эга бўлиши кераклиги сабабли қўлланиладиган руҳий тайёрликни ташхис қилиш методлари юқорида санаб ўтилган барча соҳаларда боланинг ривожланганлик даражасини



кўрсатиши керак. Биз таклиф қилаётган болани мактабда ўқишга руҳий тайёрлигини ташхис қилиш методикаси етарлича самарали, маълумотларга эга ва ишлатишга қулай. Бу методикаларнинг психологик мазмунига жуда оддий изоҳ бериш мумкин. Амалий психолог руҳий ташхис қўйишнинг фақат ўзи чуқур эгаллаган методигина сифатли, маҳсулдор бўлиши мумкинлигини ҳисобга олиши керак. Яъни, фақатгина шахсий амалиёт жараёнида танланган методнинг техник ва мазмунли жиҳатларини ўзлаштириб биз методни, ўнинг натижавийлигини етарлича баҳолай олишимиз ва олинган маълумотларни ижодий изоҳлашимиз мумкин.

Мактабда ўқишга руҳий тайёрликни аниқлашнинг асосий мазмуни мактабгача ёшдаги болаларни саралаш ёки табақалаштиришдан эмас, балки бола шахсига индивидуал ёндашишдан иборатдир.

Мактабгача ёки мактаб муассасаси психологи ўтказадиган руҳий текширувнинг асосий мақсади — махсус ривожлантириш ишларини олиб боришга муҳтож болаларни аниқлашдан иборат. Демак, руҳий ташхис ўтказишда болани асосий муаммоларини (индивидуал ва шахсий)

қайд этиш, зарурий руҳий тузатиш ишларининг режасини белгилаш керак бўлади.

Хулоса

Мактабгача таълим муассасаларида олиб бориладиган психологик тренинглар жараёнида болалар теvarак-атроф ҳақидаги билимлари кенгайди, ўз шахсий тажрибалари ва машғулотлардан олган билимларини амалда қўллаш малакаси ҳамда фикрлаш ва ижодий қобилиятлари ривожлантирилади. Бу эса болаларнинг келгусида мактабга мослашишини, бошланғич таълим даври енгилроқ қизиқарлироқ ўтишини таъминлайди. Болаларнинг муваффақиятли ривожланиши ва билим олишида икки таълим муҳити – уй ва қисқа муддатли гуруҳларнинг бир-бири билан баҳамжиҳатлиги ғоят муҳимдир.

Педагоглар таълим жараёнини ташкил этишда ва бевосита педагогик жараённинг ўзига ота-оналарни жалб этишни, уларга болалар билан ривожлантирувчи ўзаро алоқалар шаклларини ўргатиш, болаларнинг таълим-тарбиясига доир методик ёрдам беришни назарда тутадиган оилалар билан ижтимоий-педагогик ишларнинг аҳамиятга катта эътибор беришлари лозим.

References:

1. Винникотт Д.В. Разговор с родителями. – М.: Класс, 1995. с. 92
2. Каримова В.М. Ижтимоий психология. – Т.: “Фан ва технология”, 2012, б. 172
3. Шамсиев Ў.Б. “Оилавий муносабатлар тизимида боланинг ўзини-ўзи англаш жараёни” //Ўқув-услубий қўлланма “Мумтоз сўз” нашриёти, 2012 йил, 52-бет.